61095

Илм ўзни билмакдир

# Ма'рифат

MA'RIFAT • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ • معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1995 йил 3 октябрь, сешанба | Баҳоси сотувда эркин нархда. | 39 (6685)

## РЕСПУБЛИКА ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМЛАРИГА

Азиз муаллимлар, муҳтарам устозлар!

Сизларни касб байрамингиз — Халқ таълими ходимлари куни билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Муаллимлик касби — улуғ ва мўътабар касбдирки, уни ҳар қанча шарафласак ҳам озлик қилади. Муаллимлик касби муҳим давлат аҳамиятига молик. Негаки, муҳтарам маориф аҳли, ватан фарзандларининг нечоғли фозил, билимли, тарбияли ва уқувли, ватанпарвар бўлиб вояга етишлари сизнинг маҳоратингиз ва масъулиятингизга боғлиқдир.

Дунёга энди кўз очган кичик инсонга халқимиз тарихи, унинг қудратли маънавий-маърифий салоҳиятини ва уларга уйғун ҳолда умуминсоний қадриятларни англатиш бахти айни сизларга насиб этган.

Биз сизларнинг меҳнатингиз ва иқтидорингизни, ғайратингиз ҳамда шижоатингизни яхши англаймиз, юксак даражада қадрлаймиз. Янги замон, мустақиллик ва истиқлол замони сизларнинг зиммангизга буюк истиқбол қурувчиларининг янги-янги авлодларини, элу юртига содиқ, муқаддас заминимиз гуллаб-яшнаши учун бутун борлиғини фидо этишга ҳам тайёр инсонларни тарбиялаш, уларни ватан хизматига сафарбар этишдек ғоят масъулиятли ва шарафли вазифани юклайди.

Ана шу эзгу мақсад йўлида барчангизга сиҳат-саломатлик, оилавий бахт, улкан муваффақиятлар тилайман. Ҳамиша изланувчанлик, матонат, фидойилик сизларнинг ҳамроҳингиз бўлсин!

**Ўзбекистон Республикаси**
**Президенти**
**Ислом КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
1995 йил 29 сентябрь

## Туркистон саройида тантана

*Муаллим... Бу сўзни тилга олганимизда кўз олдимизда эндигина мактаб остонасига қадам қўйган ёшлар қалбига зиё бахш этувчи, уларга тарбия ва таълим берувчи меҳрибон устоз намоён бўлади. Бугунги кунда республикамиз мактабларида минглаб ана шу улуғ ва мўътабар касб эгалари меҳнат қилаётир.*

Тошкентдаги муҳташам «Туркистон» саройида 29 сентябрда халқ таълими ходимлари кунига бағишланган тантанали йиғилиш бўлди. Унда соҳа фахрийлари, илғор маорифчилар ва жамоат ташкилотларининг вакиллари қатнашди.

Йиғилиш очиқ деб эълон қилинади. Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янграйди.

Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг халқ таълими ходимларига йўллаган табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х. Жўраев ўқиб берди. У байрам арафасида Президент фармони билан республикамизнинг 400 дан кўпроқ халқ таълими ходимлари ҳукуматимизнинг «Соғлом авлод учун» ордени ҳамда «Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси», «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» унвонларига сазовор бўлганлигини маълум қилди.

Республика халқ таълими вазири Ж. Йўлдошев Ўзбекистон ҳукумати, хусусан Президентимиз ўқитувчилар ва тарбиячиларни ҳар томонлама ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилаётгани, уларнинг меҳнатини юксак қадрлаётгани учун миннатдорлик изҳор қилди.

Йиғилишда Республика Бош вазири А. Муталов қатнашди.

Атоқли санъаткорлар ва бадиий ҳаваскорлик жамоалари меҳрибон устозларни куй-қўшиқлар билан хушнуд этди.

(ЎзА).

## ТАЪЗИМ СИЗГА, УСТОЗ МУАЛЛИМ!



*Чеҳрасида ёшлик барқ уриб турган бу қиз кечагина шогирд эди — ТошДУнинг тарих факультетида устозлар сабоғини қунт билан тинглаб юрарди. Бугун эса... Нилуфар Халилова Тошкент шаҳридаги 312-мактабда ўз севган фанидан болаларга сабоқ бермоқда, устозлик қилмоқда. Гарчи, эндигина иш бошлаган бўлса-да, ўқувчиларнинг ҳурмати ва ишончини қозона олганлигини ёш муаллиманинг кўз қарашлари айтиб турибди.*

**Р. Альбеков олган сурат.**

*Ҳаяжонли лаҳзалар*

## МУАЛЛИМ ҚАДРИ

***Адиба ПЎЛАТОВА — Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги 111-мактабнинг инглиз тили ўқитувчиси. Президент Фармони билан 1 даражали «Соғлом авлод учун» орденига сазовор бўлди.***

Қизиқ устида суҳбатлашгани опани йўқлаб борсам, дарс тугаб, эндигина танаффусга чиққан экан. Мактаб директори Муяссар Мираҳмедова ҳузурида учрашдик. Илк кузатганим: опа қўлида бир даста китоб, бармоқларида бўр изи сезилиб турарди. Хабарни эшитгач, кўзойнак остидан меҳр ва синчковлик билан боқувчи кўзлари қувончдан чарақлаб кетди.

— Вой, сизга минг раҳмат! Суюнчи олиб келибсиз. Қаттиқ ҳаяжонлантириб юбордингиз. 29 йиллик камтарона меҳнатимни шундай юксак баҳолаган Президентимизга, ҳукуматимизга, маорифимиз мутасаддиларига минг раҳмат!

Бу юксак мукофотни, аввало, менинг қалбимга муаллимлик чўғини солган устозларимга берилган деб биламан. Бу мукофотни мени ҳамиша қўллаб-қувватлаган, ҳавасимга ҳавас қўшган азиз мактабим, ҳурматли жамоага берилган деб биламан!

Хайрлашар эканмиз, Адиба опа қадрдон синфига кириб кетди. Қулоғимга болаларнинг шодон қийқириғи, қарсаклар садоси эшитилди...

**Мухбиримиз.**

## КАСБИМДАН ОБРЎ ТОПДИМ

*Валентина ЛАЗАРЕВА — Тошкентдаги 149-мактаб ўқитувчиси, «Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси» унвони соҳибаси:*

Аввало, муаллимлик меҳнатимни шунчалар юксак баҳолаган давлатимиздан беҳад миннатдорман. Қолаверса, менинг номимни халқ маорифи раҳбариятининг диққатига туширган ўқувчиларимга минг-минг ташаккур. Чунки уларнинг қунт ва иродаси, билимга иштиёқи бўлмаганда менинг куйиб-пишишларим, барча меҳнатларим зое кетарди.

25 йилдан буён математика фанидан сабоқ бераман. Бу давр ҳаётимнинг энг қизғин дамларидир. Умримнинг ана шундай сермазмун дамларини суюкли мактабим бағрида ширин-шакар ўқувчиларим орасида ўтказаётганимдан бахтиёрман. Шу ўринда айтиб ўтишни хоҳлардимки, менга берилган юксак унвон, қанчалар қувонч, шоду хуррамлик бағишламасин, шу билан биргаликда, елкамга улкан масъулият ҳам юклайди.

Ҳозир математика чуқур ўргатиладиган синфларга дарс бераман. Математикасиз келажак турмушни тасаввур этиш қийин. Бироқ уни ўзлаштириб, ҳаётга татбиқ этиш ҳам осон эмас. Бунинг учун оғир меҳнат талаб қилинади, албатта. Бироқ мен меҳнатдан қочмайман. Зеро, меҳнатгина мени улуғлаб, элга танитмоқда...

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони*

## Республика халқ таълими соҳасида алоҳида ўрнак кўрсатган ходимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

***Халқ таълимини ривожлантириш, ислоҳ қилиш, жисмонан ва ахлоқан соғлом авлодни камол топтириш, таълим бериш ишига қўшган ҳиссаси, уларни ватанпарварлик, Ватанга содиқлик, миллий истиқлол ва ижтимоий тараққиёт ғояларига садоқат руҳида тарбиялашдаги давлат ва халқ олдидаги жуда катта хизматлари ҳамда жамоат ҳаётида фаол қатнашаётганлиги учун қуйидагилар мукофотлансин:***

### I даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан

**Абдуллаева Васила Раҳимовна** — Сариосиё туманидаги 11-ўрта мактаб ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

**Абдуллаева Уғулхон** — Наманган туманидаги 13-ўрта мактаб директори, Наманган вилояти

**Абдуллаева Хавоxон Акбаровна** — Қўқон шаҳридаги 9-кўзи ожиз болалар мактаб интернатининг директори, Фарғона вилояти

**Абидов Хаит** — Марғилон шаҳридаги 7-ўрта мактаб ўқитувчиси, Фарғона вилояти

**Авезова Сайёра** — Вобкент туманидаги 1-ўрта мактаб ўқитувчиси, Бухоро вилояти

**Аишева Улбосин Есмурзаевна** — Мўйноқ шаҳридаги 1-ўрта мактаб ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Алимбаева Мақсуда Эрматовна** — Олмалиқ шаҳар 7 — ўрта мактабнинг таълим-тарбия ишлари бўйича директор ўринбосари, Тошкент вилояти

**Арзиева Барно** — Жомбой туманидаги 13-ўрта мактаб ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

**Бобомуродов Ашур Бердимуродович** — Жарқўрғон туманидаги 10-ўрта мактаб ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

**Бобораҳимова Раҳимахон Рахмановна** — Тошлоқ туманидаги 21-ўрта мактаб ўқитувчиси, Фарғона вилояти

**Болец Албина Борисовна** — Янгийўл шаҳридаги спорт мактаби ўқитувчиси, Тошкент вилояти

**Болтаев Бозорбой** — Сайхунобод туманидаги 16-ўрта мактаб ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

**Винтовкина Нина Александровна** — Миробод туманидаги 218-мактабнинг таълим-тарбия ишлари бўйича директор ўринбосари, Тошкент шаҳри

**Гудкова Наталья Германовна** — Самарқанд шаҳридаги 37-ўрта мактаб ўқитувчиси

**Дадажонова Зулхумор Каримовна** — Поп туманидаги 36-ўрта мактаб ўқитувчиси, Наманган вилояти

**Жадигерова Айшагуль** — Тахтакўпир туманидаги 2-ўрта мактаб ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Зубайдуллаев Абдулазиз** — Каттақўрғон туманидаги 53-ўрта мактаб ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

**Избуллаев Нурилло Убайдуллаевич** — Бухоро туманидаги 22-ўрта мактаб директори, Бухоро вилояти

**Имомова Ўғулой** — Шаҳрисабз шаҳридаги 1-мактаб ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

**Кругова Светлана Петровна** — Андижон шаҳридаги 7-ўрта мактаб ўқитувчиси

Мансуров Тўйчи — Ургут туманидаги 67-ўрта мактаб директори, Самарқанд вилояти

**Мусаев Қобил** — Қўшработ туманидаги 12-мактаб ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

**Отахонов Тохиржон** — Марҳамат туманидаги 23-ўрта мактаб ўқитувчиси, Андижон вилояти

**Полетаева Лариса Исааковна** — Навоий шаҳридаги 1-гимназия-мактаб ўқитувчиси

**Пўлатова Адиба Абидовна** — С. Раҳимов туманидаги 111-мактаб ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**Пўлатова Махбуба** — Учкўприк туманидаги 20-ўрта мактабнинг бошланғич синфлар бўйича директор ўринбосари, Фарғона вилояти

**Раджапова Марьям Рўзметовна** — Беруний шаҳридаги 39-ўрта мактаб ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Раззоқов Шокир** — Боғот туманидаги 1-ўрта мактаб ўқитувчиси, Хоразм вилояти

**Расулов Насрулло** — Музрабод туманидаги 8-ўрта мактаб ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

**Раҳимов Холисбек** — Андижон туманидаги 6-ўрта мактаб ўқитувчиси, Андижон вилояти

**Сиддиқов Хамро** — Чироқчи туманидаги 59-ўрта мактаб ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

**Собиров Саъдулла Абдуллаевич** — Урганч шаҳридаги 5-ўрта мактаб ўқитувчиси, Хоразм вилояти

**Содиқова Раъно** — Қарши шаҳридаги 5-мактаб ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

**Султонова Бибижон** — Хонқа туманидаги 19-ўрта мактаб ўқув-тарбия ишлари бўйича директор ўринбосари, Хоразм вилояти

**Тер-Акопова Тамара Михайловна** — Бухоро шаҳридаги 16-ўрта мактабнинг ўқув-тарбия ишлари бўйича директор ўринбосари

**Тожиева Умниса Шералиевна** — Зангиота туманидаги 22-ўрта мактаб ўқитувчиси, Тошкент вилояти

**Тошматов Умарали** — Шаҳрихон туманидаги 41-ўрта мактаб ўқитувчиси, Андижон вилояти

**Умаров Рузибой** — Боёвут туманидаги 2-ўрта мактаб ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

**Фазлитдинов Азиз** — Чилонзор туманидаги 162-мактаб ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**Фармонова Гулсара Ҳакимовна** — Пахтачи туманидаги 12-мактаб ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

**Ҳасанов Кўчқор Собирович** — Жиззах туманидаги 10-ўрта мактаб ўқитувчиси, Жиззах вилояти

**Хидоятова Муқаддам** — Шайхонтоҳур туманидаги 40-мактаб ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**Шодиева Саломат** — Нишон туманидаги 23-ўрта мактаб ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

**Эштурдиева Гулбодом** — Косон туманидаги 26-мактаб ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

**Юлдашев Хасан** — Зомин туманидаги 1-ўрта мактаб директори, Жиззах вилояти

**Якубжанов Тошканбой** — Чуст туманидаги 15-ўрта мактаб ўқитувчиси, Наманган вилояти

**Қаюмов Абдухамид Маннонович** — Ангрен шаҳридаги 34-меҳрибонлик уйи директори, Тошкент вилояти

**Кўчқоров Исомиддин** — Хатирчи туманидаги 15-мактаб директори, Навоий вилояти

**Ҳазратқулова Насиба** — Фориш туманидаги 1-ўрта мактаб ўқитувчиси, Жиззах вилояти

**Хаитова Алевтина Назаровна** — Бешариқ туманидаги 2-ўрта мактаб ўқитувчиси, Фарғона вилояти

### II даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан

**Абдуллаев Сайфулла** — Яккабоғ туманидаги 2-мактаб ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

**Абдуллаева Обида Икрамовна** — Наманган туманидаги 22-ўрта мактаб ўқитувчиси, Наманган вилояти

**Абдураҳимов Машраб** — Оқдараё туманидаги 45-мактаб ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

**Азимова Омоной** — Зарбдор туманидаги 9-ўрта мактаб ўқитувчиси, Жиззах вилояти

**Аллаберганов Қуронбой** — Хива шаҳридаги 9-ўрта мактаб ўқитувчиси, Хоразм вилояти

**(Давоми 2-бетда)**

## Обуна — 96

ҲУРМАТЛИ ГАЗЕТХОНЛАР!

*Қадрли халқ таълими ходимлари: муаллимлар, профессор-ўқитувчилар, тарбиячилар ва талабалар!*

*Доимий ҳамроҳингиз, яқин дўстингиз ва маслаҳатчингиз, ўз қадрдон нашрингиз — «Маърифат» газетасига шу йил 1 октябрдан 1996 йил учун обуна бошланди. Обуна барча алоқа бўлимларида қабул қилинмоқда.*

Фуқаролар учун:
**1 йилга — 492**
**6 ойга — 246 сўм**
*Фуқаролар учун нашр индекси — 64595*

Корхона ва ташкилотлар учун:
1 йилга — 648 сўм
Корхона ва ташкилотлар учун нашр индекси — 64683

Алоқа ва почта хизматлари яқинлиги ва гавжумлигини инобатга олиниб, Тошкент шаҳри учун алоҳида обуна нархи белгиланди.

Фуқаролар учун:
**1 йилга — 360 сўм**
**6 ойга — 180 сўм**
*Фуқаролар учун нашр индекси — 64595*
Корхона ва ташкилотлар учун:
Корхона ва ташкилотлар учун нашр индекси — 64683
**1 йилга — 648 сўм**

**СЕВИМЛИ ГАЗЕТАНГИЗ «МАЪРИФАТ»ГА ОБУНА БЎЛИШНИ УНУТМАНГ !**

## Ҳаким Назир — 80 ёшда

*Ўзбек адабиётининг оқсоқол адибларидан бири, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ҳаким Назир 80 ёшга тўлди. Унинг ярим асрдан ошиқ ижодий фаолияти ўзбек болалар адабиётининг такомили, ривожи билан боғлиқ. Адабий фаолиятини 30-йилларнинг ўрталаридан бошлаган Ҳаким Назирнинг «Қишлоқдаги жиянларим» номли биринчи китоби 1948 йилда нашр этилди.*

*Шундан сўнг кетма-кет «Пионерлар боғи», «Беш баҳо», «Чўл ҳавоси», «Болажонларим», «Бир оғиз сўз» каби ҳикоялар тўплами, «Сўнмас чақмоқлар», «Ёнар дарё», «Кенжатой», «Тоҳир—Зуҳра» сингари қиссалари китобхонлар қўлига бориб етди. Ёзувчи ҳар бир асарида умуминсоний ва миллий қадриятларга бағишланган — одоб-ахлоқ, одамийлик, дўстлик, билим ва меҳнатга муҳаббат, ватанпарварлик мавзуларида баҳс этади. Болаларнинг ранг-баранг руҳий оламини гавдалантиради.*

*Ёзувчи ижодида катталар учун ёзилган ҳикоялар, очерклар, қиссалар ҳам талайгина. Жумладан, «Мусобақадошлар», «Одамнинг қадри», «Ўтлар туташганда», «Онаизор», «Кўктерак шабадалари» каби асарлари шулар сирасидандир.*

*Ҳаким Назир ўзининг 80 йиллигини икки янги китоб билан кутиб олди: Бири «Оқ фотиҳа ёки болалик саргузаштлари» хотира қиссаси ҳамда «Ёдимдасиз, азизларим» эсдаликлар китоби.*

*Отахон ёзувчимизни барча маорифчилар номидан қутлуғ ёши билан муборакбод этиб, унга ижодий баркамоллик тилаб қоламиз!*



Ҳаким НАЗИР

Ўзбекистон халқ ёзувчиси

# НАЖОТ

**(Ҳикоя)**

Масжид жиловхонасидан чиққан мўйсафидлардан бир гуруҳи кўчанинг нариги бетиға ўтишаётганда, уч-тўрт нафар ўспирин уларнинг олдиларидан шовқинлашганча кесиб ўтди. Мўйсафидлар бир-бирларига қараб, норози оҳангда: «Одобсизлар!» — деб қўйишди. Бошидаги оппоқ тўр дўпписи, товонигача осилиб тушган кенг арабий оқ кўйлаги билан ҳаммадан ажралиб турган Ҳожимат ота ҳамроҳларининг танбеҳларини илиб олиб:

— Биродарлар, биласизларми айб буларга одобни ўргатмаган ота-оналарда! — деди.

— Тўғри айтасиз, Ҳожим, — деб ҳамроҳлари қўшилишаркан, Ҳожимат ота яна замзама қилди:

— Баъзилар-чи: «Болалар ундоғ бўп кетвотти, мундоғ бўп кетвотти» деб нолишади. Менинг уларга дейдиган сўзим шу: «Ҳой, азизлар, унутманглар. Ёш новдани қаёққа эгсанг ўшоққа эгилиб кетаверади. Ахир, қуш ҳам уясида кўрганини қилади-да...»

Отанинг ичидан қайнаб чиқаётган сўзи бўлинди. Қаршисига югургилаб келган бир бола қўлини кўксига қўйиб салом берганидан кейин: «Директор бервордила. Уйингизга бориб тополмадим» деди-да, отанинг қўлига бир қоғоз тутқизди. Ота таажжуб ичида кифтини учириб, тўхтаб қолди. Қоғознинг букловини ёзиб хатта тикиларкан , пайваста қошлари остидаги йирик кўзлари чақчайиб кетди. Унга ағрайиб қолган шерикларининг: «Ҳа, нима гап экан?» деган саволларига, ота ўзини босиб: «Яхши гап. Мактабга чақирибди. Маслаҳатли иши боракан...» деб қўйди. Аммо ниманидир сезиб, юрагига ғулғула тушди. Ўзи яшайдиган жин кўчага бурилмасдан, катта кўча бўйлаб мактаб томон кетди...

Сиртқи кўриниши, кийим — кечаги, ўзини тутиши оддийгина бўлган ўрта ёшли аёл отани алоҳида таъзим билан кутиб олди. Уни хонасининг тўрроғига ўтқазиб, ўзи пойгакроқдан ўрин олди. Гапни узрдан бошлади: отахонни безовта қилгани, анчадан буён кўришолмагани, бетоб бўлганда бориб кўролмагани учун кечирим сўради. Ҳожимат ота тортинишни билмайдиган, булбулигўё бўлиб, davраларда ҳаммани ўзига қаратадиган, сўзамол одам эди. Ҳозир эса дами ичига тушиб, тили калимага кела қолмади. Нима мақсадда чақирилганимни била қолсайдим, деб юраги така-пука эди.

Директор аёл «ҳозир» деди-да, ўрнидан туриб эшикка чиқди. Сал ўтмай, сочлари ҳурпайган, олабайроқ кўйлакли дуркун бир ўсмирни етаклаб кирди. Кутилмаганда отага тўқнаш келган ўсмирнинг олазарак кўзлари пир-пир учди. Бу — Ҳожимат отанинг набираси Наби эди. Тасодифий учрашув уларнинг нафасларини ичларига туширди.

Директор, Набини бир чеккага ўтқизиб қўйгандан кейин, сўзга киришди:

— Сиз отахон, кўпни кўрган оқсоқолсиз. Маслаҳатингиз керак бўп қолди. Айрим ўқувчиларимиз устида... — деди-да, ўшандай ўқувчиларнинг сувратларини чиза бошлади. — Ўтакетган шўх деймизми, ликконбоз, бевош деймизми. Текканга тегиб, тегмаганга кесак отиб, болаларнинг ғашига тегаверади. Футболми, волейболми ўйнаётганларнинг ўртасига шартта тушиб, ўйинни белига тепиши, биров китоб ўқиётган бўлса кўриб берай деб китобини, ё хат ёзаётган бўлса ручкасини тортиб олиб, ишдан қолдириши ҳеч гапмас. Қизларга тегажаклигини айтинг: бирининг соч ўримини иккинчисига бойлаб ранжитиш, рўмол ўраб келган қизларга «холамойи» деб, ясаниброқ келган қизларга «келинпошша» лақабини қўйиб жиғларига тегиши, йиғлатиши...

Гоҳ илжайиб, гоҳ ҳайратланиб тинглаётган Ҳожимат ота ўзини босолмасдан:

— Ахир, булар ўқувчига ярашмайдиган қилиқлар-ку, қизим! Бунақанги безориларни танобини тортиб қўйиш керак бўлар! — деб қўйди. Директорнинг сўзларига қулоғи динг бўлиб, пешонаси тиришган, кўзлари пир-пираган Наби ер остидан бувасига хўмрайиб қўйди.

— Борди-ю, — деди директор чигилни ечгандай бўлиб, — ўшандай безорилардан биттаси сиззи неварангиз бўп чиқса-чи, отахон?

Наби қаттиқ тебраниб, омонат ўтирган курсиси ғижирлаб кетди. Худди қочарга йўл ахтаргандай ён-верига аланглаб қолди. Отанинг эса кўзлари ола-кула бўлиб, патак соқолли ияклари қалтираб кетди. Жиллаям бунчалик дашном эшитишини кутмаганди-да у. Тўғри, у неварасининг эркатой, шўх така бўлиб ўсаётганини биларди. Ҳатто бундан фахрланиб, «ўғил боланинг удли-шудли чиққани тузук» деб қўярди. Арзандагинам деб, унинг раъйига қарайвериши, кап-катта бўлганчаям талтайтириб елкасига мингизиб юришлари, қуюшқондан ташқари тўпалонларигаям йўл қўйиб беришлари кампири раҳматлига ўтиришмасди. «Болани суюлтириб расво қиласиз-да, буваси!» деб жериканнида, «Қўявер, бувижониси, катта бўлиб қуюлиб қолади» деб қайтаргучи эди. Биттагина ўғли бориди, у аллақандай чалкаш ишларга ўралашиб бедарак кетган, шундан кейин ёлғизгина неварага кўз тикиб қолган, бор умидини шунга боғлаганди...

Директорнинг сўзларини эшитгач, ота ўзини қўярга жой тополмай қолди. Айниқса, директор, Набининг ўқишдан совигани, қандайдир «тижорат» деган нарсаларга айланишиб, дарсга кам келиши, ўқитувчиларни менсимай қўйгани, Набини мактабда қолдириш ё қолдирмаслик масаласи ўқувчилар кенгашида кўрилмоқчи эканини айтаркан, отанинг бошига тоғ ағдарилгандай бўлди.

— Мунчалигини билмабман, ўқувига онаси қараётгандир деб ишонибман, қизим! — деди Ҳожимат ота йиғламоқдан бери бўлиб. — Мен гоҳ ҳуд, гоҳ беҳуд ўз ёғимда ўзим қоврилиб, бу баттолнинг қилғуликларидан бехабар, ғафлатда қолибман, бунингчун кечир мени, қизим!..

Директорнинг очиқ сўзлари, отанинг ғижинганча (умрида биринчи марта) «баттол» деб ғазабланганы Набига қаттиқ кор қилиб кетди-ю, бирдан ҳўнграб юборди.

— Ҳай, ҳай, ўғлим, сенга нима бўлди! Кап-катта бола йиғлаши уят эмасми, ўзингни бос-е! — деб директор уни тинчлатишга ҳаракат қилди ва сўради: — Қани, жавоб бер-чи, Набижон, бувангга айтиб берганларим нотўғрими?

Лаби лунжи осилиб тушган Наби ҳамон ҳўнграб, ҳиқилларди.

— Ярамас қилиқларинг учун муаллиминг ҳам неча марта танбеҳ берганди-ку, тўғри эмасми?

— Устозингни саволларини жавобсиз қолдирма! — деди ота ўзини аранг босиб.

Набидан садо чиқмагач, директор мулойимгина қилиб деди:

— Майли, бизга жавоб беришни истамаса, ўқувчилар кенгашига жавоб берар. Улар қандай ҳал қилишса шу...

Директорнинг сўзи тугамасданоқ Наби:

— Йўқ, йўқ, директор опа, майлисга қўйманг! — деб биғиллаб юборди.

Қаттиқ ўсал тортган Ҳожимат ота ниҳоят илтижога ўтди:

— Худо хайрингизни берсин, қизим! Бу сафарча боланинг айбидан ўтсангиз менинг учун. Биттаю битта суянчиғим кўчада қолмасин, ўртоқлари қаторида тўғри йўлини топиб олсин. Шуни чорасини кўрсангиз, ўтинаман сиздан...

Директор қариянинг ўтинчини инобатга олди. Унинг ўқитувчилар билан бемаслаҳат кўрган охирги чораси шу бўлди: энг интизомли, аълочи ўқувчи Рустамни Набига ўқишда ёрдам кўрсатасан деб кўндиришди. Жуда жиддий, шарттаки, серзарда бўлган Рустам катталарнинг сўровларини рад этолмадию, аммо Набига ўзининг шартини кўндаланг қўйди:

— Агар шайтонлигингни ташласанг, айтганларимни тўла бажарсанг, ёрдам беришим мумкин, ҳўпми?

Рустам бу шартини атайин синф болалари олдида айтди. Катталардан дакки еб анча попуги пасайган Наби эса «ҳўп» дейишга мажбур бўлди. (Тағин чатоқлик қилса синфдошлари унинг баҳридан ўтиб юборишларидан қўрқди-да!)

Ҳулласи Рустам Набини, болалар тили билан айтганда «шатакка» олди. Дарсдан кейин мактабда қолиб, гоҳо Набининг қистови билан унинг уйига бориб дарс тайёрлашди. Буни кўрган Ҳожимат ота нақ ўзида йўқ қувониб: «Шунақа қарашиб тургин ўртоғингга, барака топгур, умринг узоқ бўлгур!» деб ялинганча Рустамнинг елкасига қоқди, кунига келиб туришини илтимос қилди. Тез-тез болаларнинг ишларидан бохабар бўлиб турди. Унинг дарди-фикри, нима қилиб бўлсаям неварасини тўғри йўлга солиб, мактаб жамоаси олдида, қўни-қўшнилар олдида юзи шувитликдан қутилиб олиш эди. Кеча аср намози олдидан мачит жиловхонасида ёр-биродарлари билан учрашаркан, уларнинг биринчи сўроқлари уни мактабга нима сабабдан чақиришгани бўлди. Ҳожимат ота хижолат тортиб бўлса-да, неварасининг ўқиши, интизоми устида суҳбат бўлганини (албатта енгилроқ қилиб) айтиб берди. Биродарлар бунга бефарқ қарашмади, саволга тутиб Ҳожимат отанинг таъбини бир мунча хира қилишди. Суҳбатдошларидан бири Набини яхшигина биларкан, «яқинда неварангизни чорраҳада шара-бара сотаётган еймачилар қаторида кўриб ажабландим» деса, бошқаси «Мен уни бемаҳалда сигарет тутатиб, дайдиб юрган ўсмирлар ичида кўрдим, бевақт юрманглар, болаларим, уйингиздагилар хавотир олишади дегандим, қулоқ солишмади». Бу гаплардан Ҳожимат ота эзилиб кетди, набирасини тезроқ яхшилар қаторига киритиб, одамларнинг ҳар хил дашномларидан халос бўлишни ўйлади.

Аксига олиб десангиз, кейинги кунлар Рустам Набига қарашиш учун фурсат тополмай қолса бўладими? Унинг нариги туманда турадиган буваси касалланиб қолган, Рустамнинг ойиси ўша ёққа кетган, Рустамнинг ўзиям қатнаб турибди. Табиб беморга шотут буюрган экан. Рустам бозорга бориб, шотут тополмай келибди. Қаердан топишга ҳайрон. Наби бу гапни эшитиб, ўйланиб қолди. Кўз олдига ҳовлиси чеккасидаги тут дарахтининг шапалоқ барглари орасида қип-қизариб турган мевалар келди. Ҳа, уларникида шотут бор. Узоқ йили буваси ҳовлидаги балх тутга пайванд қилган шотут бу йил нишона берди. Ота кунига кўзлари қувончга тўлиб бу мевага тикилиб қўяди. Набиранинг бир кўнгли, шу мевани териб бериб Рустамни ҳожатини чиқариш эди-ю, лекин ўз бувасидан истиҳола қилади-да. Шу ўртада Рустамдан ёрдам ололмай қолганичун ўқитувчи топшириғини бажаролмасдан гап эшитиб олди. Шундан кейин у эртаси азонлаб буваси мачитга чиқиб кетган пайтда таваккал қилиб шотутнинг пишганларини териб олади-ю, шиша идишга солиб Рустамга етказади.

Ҳожимат ота ҳассасини дўқиллатганча намоздан қайтади ва ҳар кунги одатича шотутнинг тагига келиб тикилади. Кўзига мева сийрак кўринади. Шамолда тўкилдимикин деб дарахт тагига қарайди. Таги топ-тоза. Ҳайронлик ичида: «Ҳой, ким бор?» деб ҳайқиради. Ҳеч кимдан овоз чиқмайди. Келини-ку вақтлик ишга кетган. Наби-чи? Ҳали мактабга вақти бўлгани йўқ-ку? «Биронтаси териб кетдимикин-а?» деб гумонсираганча қолди ота. Фақат пешинга бориб Наби мактабдан қайтгач, гумони ёзилди. Наби оғриқни олдини олиш учун, бувасининг саволини кутмаёқ, эрталаб беижозат қилган ишига иқрор бўлди. Пинагини бузмасдан шотутни нима учун ва ким учун териб берганини сўзларкан, ғазаби қўзиб набирасини ўзбошимчаликда айбламоқчи бўлиб турган ота шу он шахтидан тушди.

— Шунака дегин-а? Агар ўртоғингни ҳожатини чиқарган бўлсанг, дуруст қилибсан, — деб хурсанд бўлди. Кейин Рустамнинг буваси кимлиги ва нима касал бўлганини суриштира кетди. Наби билганича айтиб берганди.

— Нима дединг? Бувасини номи Шариф домла экан дедингми? Э, тўхта... — деб Ҳожимат ота қаттиқ ўйланиб қолди.

— Нима, танийсизми, бува? — деди Наби қизиқиб.

— Э, таниш ҳам гапми!.. Йўқ, йўқ, уни мен... худо кечирсин, оламдан ўтган деб эшитувдим. Қаерда тураркан дединг?

Наби адресини тушунтиргандан кейин, «ўша бўлса-я?» деб Ҳожимат ота чуқур хаёлга ботди...

Кўз ўнгида ёшлик йиллари гавдаланди.

Ҳожимат бир ташкилот хизматчиси бўлиб, район фаолларидан эди. Маҳаллаларда ободончилик ишлари бошланганда, буни у ўз маҳалласидан бошламоқчи бўлди. Бу ердаги кичик қабристон билан мачитни бузиб, унинг ўрнида клуб, қизил чойхона қуришни режалаштирди. Бу гап маҳалла аҳли орасида ихтилофни келтириб чиқарди. Кексалар: «ота-боболарнинг арвоҳларини чирқиратмайлик!» дейишди. Аҳоли орасида дурустгина мавқеъга эга бўлган мулла йигитлардан Шариф қори ҳам қариялар тарафини олдию, балога қолди. Ёшлари тенг, бир кўчада гурпаклашиб катта бўлган икки ошна ади-бади айтишиб қолишди. Ҳожимат Шарифнинг пешонасига «руҳонийлар таъсирига берилган мафкураси бузуқ» деган тамғанинг босилишига сабаб бўлди. Оқибатда у босмахонадаги ишидан маҳрум бўлди. Нима эмиш «мафкураси бузуқ одам газет чиқарадиган даргоҳда ишлаши мумкин эмасмиш» (Яхшики Шарифнинг отаси тузуккина илмдор бўлиб, эски қўлёзмаларни чиройли қилиб кўчирувчи ҳаттотлардан эди, ўзи ишлайдиган институтда ўғлини ёнига олди.)

Вақти келиб, ошнолар яшайдиган кўча катта йўлга тушдию, ўзлари ҳар ёққа тарқалиб кетишди. Ҳожимат руҳонийларнинг қарғишига йўлиқдими, омади кетиб ишидан сурилди. У шоҳдан бу шохга сакровчи читтаксимон идорадан идорага кўчиб, гоҳ у, гоҳ бу амалдорнинг соясига салом бериб юрди. Тузукроқ касби-кори йўқки, бирон ишнинг бошини ушласа. Ҳулласи уни олтмишга етар-етмас нафақахўрлар қаторига қўшиб қўйишди... Шундан буёғига ўтган кунлари унга бирон бир рўшнолик келтиргани йўқ. Аксинча ўхтин-ўхтин ёдига ўтмиш кунлари тушганида юрак бағри ўртаниб кетади. Мана ҳозир ҳам шундай сезди ўзини. Туйқусдан қалби уни ўша эски ошноси томонга тортди. Уни кўролса, у билан тил топишиб сўзлашаолса, шу билан гўё юрагидаги армонлари енгиллашадигандай туюлди ўзига...

— Наби, қаёқдасан!? — деб ҳайқирворди у, яқинида юрган неварасини кўзи илғамай.

— Ҳа, буважон? — деди олдига келиб Наби.

— Башарти сен айтган одам... Ўша бўлса-чи, уни кўришим... — у-ёғини айтолмай, димоғида ғудуллади.

Наби бувасидаги ҳеч кўрилмаган ҳаяжонли, иккиланишга ўхшаш ҳолатни ажабланиб кузатди.

— Нима, бориб кўрмоқчимисиз, бува? Ўзингиз зўрға юрибсиз, чарчаб қоларсиз?

— Йўқ, боришим зарур экан, болам, — деди ота нималарнидир мулоҳазасига бориб. — Сенинг учун ҳам, ўзим учун ҳам...

Наби, бу нима деганингиз деб савол назари билан қаттиқ тикилганди. Буваси, қўявер дегандай қўл силкитиб қўйди.

— Рустамдан адресини билиб олганман. Борсангиз ўзим бошлаб бораман. Аввал автобусда, кейин трамвайда...

Эртаси ҳордиқ куни Ҳожимат ота қаердандир бир идишда шотут топиб келди. Яна аллақандай дори-дармон олди. Узун кўйлаги ичидан белини маҳкам боғлаб, ҳассасини қўлига тутиб, Наби билан йўлга чиқди...

***

Ҳожимат ота невараси етагида мўъжазгина бир ҳовлига қадам босаркан, йўлак бошиданоқ фариштадай кўримли, саришта кийинган жиккак бир кампир тавозе билан унга салом бериб, ичкарига таклиф этди. Баландгина айвон тўридаги караватда соқол-мўйловлари яхшилаб тарашланган бир қария елпиғич билан ўзини елпиб ётарди. У ўз ёнига чиқиб келган меҳмонга бир тикилиб олдию, парвосизгина сўрашди. Меҳмон кампир ёзган кўрпачага бемалол чордона қурди, икки қўлини кўтариб узоқ фотиҳа ўқиди. Беморнинг бегонасираб боққан тийрак кўзларига жаланглай туриб ҳаяжон ичида:

— Мен сени танидим, азиз ошнам» Сочларинг оқаргани демаса, афти бошинг, қарашларинг ўша-ўша, эски қадрдонгинам Шариф қори! Мени танидингми?

Бемор сарак-сарак қилди. Меҳмон эса кўзларини чақчайтириб, зўракилик билан ишшайган ҳолда ўз исмини айтди. Шундан сўнггина бемор хаста овозда лоқайдлик билан:

— Мен ўша-ўша бўлганим билан сен бутунлай бошқа одамга айланиб кетибсан, Ҳожим, — деди меҳмоннинг бошидаги оппоқ тўр дўппи билан устидаги узун ридосига қараб, — ҳожилик мартабасига етишган бўлсанг қутлашим мумкин...

Ҳожимат ота хиёл ўнғайсизликка тушди: ҳожиликка етишмаган бўлсаям Арабистонга саёҳат қилиб келганини айтди. Кейин ошнасининг соғлигини сўрашга ўтди. Фақат ўз саволларига тузук-қуруқ жавоб ололмасдан ноқулайлик кечираверди. Ошнасининг рўйхуш бермаётганидан унинг кўнглидаги эски гиналар ёзилмаганлигини пайқади. Бир замон ошнаси олдида қилган гуноҳлари яққол кўз олдига кўндаланг келди. Эски яраси тирналиб, ҳасрат дафтари очилиб кетди. Неча ўн йиллаб бошидан кечирган саргузаштларини усти-устига қалаштираркан, Шариф қорининг юраги сиқила бошлади.

— Нималар деяпсан? — деди қудуқ ипидай чўзилган ҳасратига чек қўймоқчи бўлиб. — Савлатингни кўрган одам «жуда иши юришган чол экан» деб ҳаваси келади!

— Савлатга инонма. Усти ялтироқ — ичи қалтироқ../.

— Менинг ўзим ҳам сени, бойвачча ўғил давлатида таралла бедод қилиб юргандир, деб ўйловдим.

— Э, у ёғини сўрама! — деди Ҳожим чуқур уф тортиб ва савдо-сотиқ ишларида қўли баланд келиб юрган ўғлининг қандайдир «нокасларнинг тузоғига илиниб» номаълум тарафга ғойиб бўлгани, ёлғиз ўғил доғига чидамай касалманд она ҳам оламдан ўтгани, ўзиям яқинда инфаркт бўлиб, бир ўлимдан қолганини айтаркан, ҳўрлиги келиб ўкирворди.

Шариф қори бир чўчиб тебрандию, қаддини ростлаганча ўтириб олди.

— Ҳой, ҳой сени безовта қилдим, ўзингни уринтирма! — деб Ҳожим қўлини қорининг елкасига обориб, уни ёстиғига ётқизиб қўймоқчи бўлди. Ошнаси кўнмади. Қаттиқроқ ҳаракат қилгани учун боши айланди шекилли, бир пас кўзини юмиб ўтирди. Сўнг Ҳожи отага қараб:

— Сени танимай қолдим-а, ҳей, бошқа одам бўп қолибсан-ку. Нуқул баланд охурдан сув ичиб, давраларда серка бўлиб ўрганган одамга бунақанги ҳасрату-нолиш, ҳокисорлик сира ярашмасакан-е. Одам ҳеч шунчалик ўзгарадими-а?! — дея ҳайрат ичида юракдан ачиниш билдирди. — Жавр бўпти сенга, кўп ушкифо тортибсан. Лекин-чи, эркак одамга кўз ёши қилиш ярашмас экан. Ўзингни қўлга ол. Афтидан аҳли мўминлар жамоасига қўшилибсан, шулар қаторида юриб ўтказган ҳар бир даминг қадрига ет. Доноларнинг: «Хаста бўлсанг ҳам ўлмай юрганингга шукр қил» деганларини унутмагин, Ҳожим....

Эски дўстининг муомаласидаги совуқлик ўрнини самимий, беғараз оҳанг эгаллаганини кўраркан, Ҳожимнинг кўнгли хиёл ёришди.

— Оллоҳга шукурлар бўлсинки, деди юракдан чиқариб, — мени сенга етказди. Болалар туфайли сени топдим. Кўкрагимдагини яширмайман. Саҳарлари жойнамоз устида худога нола қилиб: «Э, парвардигор, гумроҳликдан қилган гуноҳларимни ўзинг кечиргин!» дейман. Мен ҳам хом сут эмган банда, баъзи бир одамларга билиб-билмай, озор етказган вақтларим бўлган, сенгаям, ошнам... Ҳа, олдингда ўзимни гуноҳкори азим ҳисоблаб... кечирим сўраб...

— Бўпти, бўпти, кўп саннама, ҳожим. Назаримда худди эрта бириси кун бандаликни бажо келтирадиган одамсан-у, рози-ризолик тиламоқчи бўлиб келгандайсан. Қўй энди, ўтган гапга салавот. Эсимда, босар-тусарингни билмасдан, ҳаддингдан ошган вақтларинг бўлган. Албатта, ўша қилмишларинг ўз ихтиёринг билан бўлмагандир. Фақат айбинг шуки, тепангда турганларнинг буйруқларини кўр-кўрона бажаравергансан, ҳақ билан ноҳақ нелигини ажратишга ақл-идрокинг етишмаган.... Тошқин сувда ҳар ёққа оға-оға, мана охири изнга тушиб олибсан. Буёғига адашма!

— Хўб топиб айтдинг, ошнам. Ўша номаъқулчиликларни азобини тортиб келяпман. Бировга ёрилолмайман. Ўзимдан ўтганини ўзим биламан. Нажот ахтараман. Оллоҳдан бошқа сиғинадиганим йўқ.

— Бўлди, ўзингни бос, Ҳожим! Эндиликда сенга худо инсоф бериб, ҳақ йўлига қайтганинг рост бўлса, бас! Омин...

Шариф қори кўнгилсиз суҳбатга нуқта қўймоқчи бўлиб, икки қўлини юзига суртди.

Ҳожим ўрнидан қўзғалмоқчи бўлиб, бирдан ёнидаги халтасига кўзи тушди. Ундаги шотутли идишни, қоғозга ўроғлиқ дориларни олиб ошнасининг олдига қўйди.

— Афтидан, сенда хафақон касаллиги борга ўхшайди. Бу нарсалар касалингга даво. Худо шифосини берсин. Неваралар орқали хабарлашиб турамиз. Сендан бир илтимос. Неварангга айтгин, ўртоғига ёрдамини аямасин, йўлга солсин, умидим шундан, жон ошнам...

— Бўпти, хотиржам бўл...

Ҳожимат ота ўз елкасидан босиб турган юкдан қутулгандай бир мунча енгил тортиб ўрнидан қўзғалди. Ҳассасини дўқиллатиб набираси кетидан эшикка йўналаркан, уни хонадон бекаси боягидан ортиқроқ эъзоз билан эшиккача кузатди-да: «Келиб туринг, тақсир» деб қўйди...

**1995 йил**

Суратда: Ҳаким Назир оила аъзолари ва ҳамкасблари даврасида.

# МАКТАБНИНГ ТЎЙИ

Яқинда Тошкент вилояти Қибрай туманидаги Уктам Усмонов номидаги 16-ўрта мактабнинг 70 йиллик тўйи нишонланди. Юбилей ибтидосида Ўзбекистон Республикасининг Давлат Мадҳияси янгради. Сўнгра Қибрай тумани ҳокими Акбарали Йўлчиев сўзга чиқиб, барча меҳмонларни ҳамда мактаб жамоасини 70 йиллик байрам тантанаси билан қизғин муборакбод қилди. Мактаб директори Асадулла Норматов эса мактабнинг 70 йиллик тарихига, 1925 йилдаги илк (8 нафар) ўқувчилардан тортиб, мактабни турли даврларда тугатган, ҳозирги кунда ўз меҳнатлари билан элга танилган турли касбда, турли жойларда меҳнат қилаётган собиқ ўқувчилар ҳақида батафсил тўхталиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев тантанада иштирок этиб, мактаб жамоасини муборакбод этди. Шу билан бирга халқ таълими олдида турган бугунги долзарб вазифалар ҳақида тўхталиб ўтди. Мактаб жамоасига уларнинг машаққатли, аммо шарафли ишларида катта ютуқлар тилади. Мактабнинг бир гуруҳ ўқитувчиларига «Ўзбекистон Республикаси халқ таълими аълочиси» кўкрак нишони, «Фахрий ёрлиқ»лар топширилди. Мактаб учун Халқ таълими вазирлиги компьютерлар, туман ҳокимияти 60 минг сўм пул, туман халқ таълими бўлими лингафон ҳадя этди. Уктам Усмоновнинг қизи Умида Усмонова эса отаси асарларидан намуналар ҳамда осма соат топширди. Мукофот ва совғалар топшириб бўлингач, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов Уктам Усмонов ҳақида ўз хотираларидан гапириб берди.

Шунингдек, мактабнинг 1925 йилдаги илк ўқувчиларидан бири Расул ота Мансуров ҳам дил сўзлари билан мактаб жамоасини қизғин қутлади. Байрамда мактабнинг «Ёшлик гуллари» дастаси ва инглиз тили бўйича махсус синф ўқувчилари ҳам ўз чиқишлари билан қатнашдилар.

Қишлоқ масжидининг имоми Ортиқали ҳожи 70 йил давомида оламдан ўтган барча ўқитувчилар руҳларига бағишлаб қуръон тиловат қилди.

Юбилей тантаналари мактабнинг «Ёш ўлкашунослар» тўгараги аъзолари томонидан ташкил этилган «Дўслик боғи»да бўлиб ўтди. Бу эса тўгарак аъзолари қалбида янги-янги эзгу ниятлар уйғотиб, уларни ушбу боғни янги ниҳоллар экиб кенгайтириш ва янги боғлар ташкил этишга ундади. Бир сўз билан айтганда, «Дўстлик боғи»да бўлиб ўтган мактабнинг 70 йиллик юбилей тантаналари иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

**Хайрулла ИНОҒОМОВ,**
**олий тоифали ўқитувчи,**
**Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси.**

*«Маърифат» хабарлари*

## ОЛТИ ТИЛДА ҚУТЛАШДИ

Тошкент Давлат Шарқшунослик институтида бу йил ўқишга кирган ёшларга талабалик гувоҳномаларини топшириш маросими бўлиб ўтди. Йирик шарқшунос олим Неъматулло Иброҳимов биринчи курс талабаларини табриклай туриб, уларни институт раҳбарияти, деканлар, шарқшунос иқтисодчилар, тарихчи профессор-ўқитувчилар билан ҳам таништириб ўтди.

Бу йил институтни имтиёзли диплом билан битирган Дилора Эрниёзова сўз олиб, ёш «илми толиб»ларга ҳар бир дақиқадан унумли фойдаланишни маслаҳат берди. Институтнинг юқори синф талабалари эса уларни эрон, япон, хитой, ҳинд, араб ва инглиз тилларида қутлашди.

3-курсда таҳсил олаётган Жасур Зиёмуҳамедов институтнинг рамзий калитини биринчи курс толиби Нодирхон Олимхоновга топширди. Шундан сўнг биринчи курс талабаси Роҳатой Абдуллаева институт талабаларининг қасамёдини ўқиб берди.

## ТУМАНДА ЯНГИ БЕЛЛАШУВ

Қорақалпоғистон Республикаси Мўйноқ туманида «Ўзбекистон ватаним маним» мавзуида кўрик-танлов ўтказилди ва унда 11 та команда иштирок этди. Фахрли биринчи ўринни Т. Жумамуротов номли ўрта мактаб командаси (раҳбари А. Мамбетназаров) эгаллаб, ўз билим ва маҳоратларини намойиш қилди. Ғолибларга мукофотлар топширилди.

**Мухбиримиз.**

*Осиё чемпионати*

## ТИНЧЛИК ЭЛЧИСИ ЯНА ЎЗБЕКИСТОНДА

Дарҳақиқат, спортни тинчлик элчиси дейдилар. Бунда катта маъно бор, албатта. Ахир спорт мусобақалари қаерларда ўтаяпти? Тинчлик ҳукмронлик қилаётган юртларда эмасми? Бугун мустақил Ўзбекистон бу элчининг этагидан маҳкам тутди.

Одамларнинг ҳар бир спорт мусобақасига, айниқса халқаро ўйинларга қизиқиши ниҳоятда ортган. Чунки у бу беллашувларда юртдошини кўргиси, майдон узра ғолибона янграйдиган ўз мадҳиясини эшитгиси келади.

Мана, Тошкентда яна бир йирик тадбир — бокс бўйича XVIII Осиё чемпионати бошланди. Ўзбекистон пойтахти Тошкент мусобақа қатнашчиларини байрамона кайфиятда кутиб олди. 30 сентябрдан 9 октябргача бўлиб ўтадиган бу спорт беллашувида Осиёнинг барча давлатларидан вакиллар қатнашадилар.

Ўзбекистонда ҳар бир спорт байрамининг очилиш маросими гўзал шарқона либосда ўтиши одат тусига айланяпти. Бу турнир ҳам фикримизга далилдир.

Газетамиз саҳифаланаётганда дастлабки ўйинлар бўлиб ўтди. Боксчиларимизнинг биринчи натижаси яхши — иқтидорли боксчимиз, яқинда Марказий Осиё ўйинларининг олтин медалига сазовар бўлган Наримон Отаев кореялик рақибидан очколар ҳисобига устун келди. Спортчиларимизга бу турнирда омад тилаймиз.

**Ҳ. ОМОНХОН.**

*Спорт*

## ИШТИЁҚ БЎЛСА...

Жисмоний тарбия ва спорт Шофиркон туманидаги 15-мактаб педагогик жамоасининг диққат марказидан жой олган. Буни туман ва вилоят миқёсида уюштирилаётган мусобақа натижаларида ҳам яққол кўриш мумкин. Жумладан, бошланғич синф ўқувчиларининг спорт фестивалида вилоят мусобақаси ғолиби бўлишди. Бунда жонкуяр жисмоний тарбия ўқитувчилари Муҳаббат Рўзиева ҳамда Н...зулло Рашидовнинг хизматлари катта. 1-синфданоқ мазкур мактабда жисмоний тарбия дарсларини уларнинг ўзлари олиб боришади. Шу боисдан ҳам бу ерда спортнинг барча турлари бўйича эришилаётган ютуқлар оз эмас. Жумладан, туманда ҳам, вилоятда ҳам, зоналарга бўлинган ҳолда ўтказилган ҳудудий мусобақаларда ҳам шу мактабнинг 1 — 3-синфлари спортчилари биринчи ўринни эгаллашди. Вилоят миқёсида эса 3-синфлар ўртасидаги мусобақада биринчи ўрин, 1 — 2-синфлар ўртасидаги мусобақада иккинчи ўрин шу мактаб ўқувчиларига насиб этди.

Жисмоний тарбия дарслари ва спортга иштиёқ ёшларнинг соғлом ва хушчақчақ яшашларида муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Мактаб спорт майдончаларининг ҳамиша гавжумлиги шундан далолат бериб турибди.

**Фотима ҒАФФОРОВА.**

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти ректорати, касаба уюшмаси ташкилоти ҳамда физика факультети жамоаси физика ва информатика ўқитиш методикаси кафедраси мудири вазифасини бажарувчи Бердимурот Ибрагимовга акаси

Турдимурод ИБРАГИМОВнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти ректорати, жамоат ташкилотлари тарих факультети жамоаси тарих факультети декани, тарих фанлари доктори, профессор Аброр Ҳазратқуловга отаси

ҲАЗРАТҚУЛ бобо

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«МАЪРИФАТ»

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир
Саъдулла ҲАКИМ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчи: Жўрақул Искандаров.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.-0454. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 20.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.
1 2 3 4 5 6